ЎЗБЕК-ҚИРҒИЗЛАРНИНГ АНЪАНАВИЙ АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН (Фарғона водийси мисолида)

О. Абдураупов

Мақолада Фарғона водийсида яшовчи ўзбеклар билан қирғизлар ўртасидаги хўжалик-савдо муносабатлари, хусусан, қирғизларнинг ўтроқлашув жараёнида ўтроқ ўзбеклардан деҳқончилик сирларини ўзлаштириши масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: *интеграция, ярим кўчманчи, этнос, хўжалик типи, деҳқончилик, савдо-сотиқ.*

В данной статье освещены вопросы хозяйственно-торговых отношений узбеков и киргизов, возникшие в результате оседания киргизов в Ферганской долине и перенятия ими у оседлых узбеков секретов земледелия.

Ключевые слова: *интеграция, полукочевник, этнос, тип хозяйства, земледелие, торговля.*

This article describes the history of Uzbek-Kirghiz relations in the example of inhabitants of Fergana valley, their trade relations as well as the process of sedantification of local Kirgiz people.

Key words: *integration, half-movier, ethnos, type of economy, peasant, trade.*

Қадимдан Ўрта Осиёда яшовчи аҳолининг асосий қисмини туркийзабон халқлар ташкил қилиб, уларнинг бир қисми турғун яшаган бўлса, иккинчи қисми кўчманчи ва ярим кўчманчиликда ҳаёт кечириб, асосан, чорвачилик билан шуғулланиб келган.

Фарғона водийсига кириб келган қирғизларнинг асосий машғулоти чорвачилик бўлиб, бу хўжалик тури уларга ўтроқ турмуш тарзидан кўра камроқ меҳнат сарфланиши билан ҳам мақбул эди. Қирғизлар қўй, эчки, йилқи, қорамол боқиш билан шуғулланишган. Бу, асосан, экстенсив чорвачилик бўлган. Юқорида таъкидлаганимиздек, кичик чорвачилик хўжаликлари кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳаёт тарзига асосланган эди.

Тарихий шарт-шароитлардан келиб чиқиб, чорвачилик хўжалигининг йўналиши ўзгариб турган.

О.Абдураупов *– АДУ Ўзбекистон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси*

Масалан, Россия империяси босқини арафасида, асосан, йилқи боқиш кўпайган. Фарғона водийси ҳудудларида чорвачилик хўжалигидан деҳқончиликка ўтиш натижасида йилқи билан бирга қорамол ва эчки боқиш кўпайган. Чорвадор аҳоли ўтроқ аҳоли томонидан ишлаб чиқарилган деҳқончилик ва ҳунармандчилик маҳсулотларига доимо эҳтиёж сезиб келган. Айни вақтда чорвадор аҳоли ҳам ўтроқ аҳоли яшайдиган воҳаларни чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаб келган. Бир сўз билан айтганда, ўтроқ аҳоли ва кўчманчи чорвадор қабилалар ўртасида маҳсулот айирбошлаш қадимданоқ яхши йўлга қўйилган ва савдо муносабатлари ривожланиб борган. Бундай шароитда икки хил хўжалик типига мансуб этнослар орасидаги ўзаро муносабатлар, асосан, ижобий ҳарактер касб этган [1.37-38].

Фарғона водийсида яшовчи ўзбек ва қирғизлар ўртасидаги ўзаро этник муносабатлар, хусусан, хўжалик алоқалари қизғин кечган. XIX аср бошларига келиб азалий чорвадор аҳолининг кўпроқ ўтроқлашишга ўтиши, маҳаллий турғун аҳоли билан ҳар жиҳатдан қўшилиб кетиш жараёни янада жадаллашди. Эндиликда нафақат сиёсий, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам яхлит бир ҳудудга айланган водий аҳолиси ҳаётида деҳқончилик хўжалиги билан чорвачилик хўжалиги ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланиб, бир-бирига боғлиқлигининг ортиб бориши янада муҳим аҳамият касб этди.

Таниқли этнограф Б.Х.Кармишева бир-бирини тўлдириб турувчи икки хил хўжалик типи бу даврдаги этник жараёнларга иккиёқлама таъсир кўрсатганини таъкидлайди. Олиманинг фикрича, икки хил хўжалик типининг ўзаро муносабати, биринчидан, этник мулоқотларни юзага келтириб, яқинлашув (интеграция), бирикиш (консолидация) ва қоришиб кетиш (ассимилияция) жараёнини тезлаштиради, иккинчидан эса, ўтроқ, ярим кўчманчи ва кўчманчи аҳоли хўжалигининг маълум бир йўналишга ихтисослашувини, маиший турмуши ва анъаналарининг барқарорлигини таъминлайди.

Турғун аҳоли билан ярим ўтроқ ва ярим кўчманчи аҳоли ўртасида хўжалик алоқалари юз берар экан, бу жараёнда деҳқон ва чорвадор этник гуруҳлар ўз хўжаликлари ихтисослашувидан келиб чиқиб «таъсир кўрсатувчи этнос» мавқеини ўйнаганлар [2.190-194].

Деҳқончилик хўжалигини юритиш бўйича азалий тажрибага эга бўлган ўтроқ ўзбеклар ярим ўтроқ ва ярим кўчманчи ўтмишида чорвачилик билан шуғулланиб келган қирғизларга деҳқончилик соҳасида ўз таъсирларини доимо ўтказиб келганлар [3.131]. Бу ҳол деҳқончилик хўжалигини юритишнинг барча босқичларида намоён бўлган. Албатта, азалий чорвадор аҳоли деҳқончилик билан шуғулланишга ўтар экан, аввало, ўтроқ деҳқон аҳоли ишлатиб келган меҳнат қуролларидан фойдаланишни ўзлаштириб борган.

Ўзбек, тожик, уйғур, қирғиз, туркман ва бошқа Ўрта Осиё халқлари ишлатиб келган деҳқончилик қуроллари деярли бир-бирига ўхшаш, фақат айрим маҳаллий хусусиятлари билангина улар турли ҳудудларда фарқланиб турган.

Ўрта Осиё, хусусан, Фарғона водийсининг турли табиий-географик ҳудудларида деҳқончилик қуролларининг у ёки бу шаклда тарқалиши, аввало, жойнинг тупроғи, иқлими каби табиий шарт-шароитларга, қолаверса, маҳаллий аҳолининг иқтисодий ва маданий анъаналарига боғлиқ ҳолда юз берган. Турли хил ландшафт зоналарида мавжуд бўлган деҳқончилик қуролларининг ўзига хос жиҳатлари маҳаллий хусусиятлар касб этиш билан бирга, шу ерда жойлашган этник жамоалар учун бу соҳадаги этномаданий хусусиятлар сифатида ҳам намоён бўлади. Масалан, экин майдонларини шудгорлашда ишлатиладиган асосий деҳқончилик қуроли ҳисобланган омочлар Фарғона водийсининг барча аҳолисида, этник мансублигидан қатъи назар, бир хил тузилишга эга бўлган. Фақат катта-кичиклиги билан бир-биридан ажралиб турган, холос. Унинг қайси ўлчамдагисидан фойдаланиш эса шудгор қилинадиган ернинг хусусияти ва омочга қўшиладиган ишчи ҳайвоннинг турига боғлиқ бўлган.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида қирғизларнинг чорвачилик хўжалиги экстенсивдан интенсивлик томон ҳаракатлана бошлайди, яъни қишлов учун хашак ва озуқа ғамлаш, чорвани яйловда боқишнинг молхонада боқиш билан бириктирилиши ва шу кабилар.

Кўчманчи ва ярим ўтроқ қирғизлар маҳаллий ўзбеклардан деҳқончилик экинлари ва чорвага хашак тайёрлашда ишлатиладиган ўроқни қабул қилишган. XX аср бошларидан тоғ ва тоғ олди ҳудудларида пичан йиғишда рус чалғиси кенг қўлланила бошланади.

XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар қирғизларда чорва учун молхона бўлмаган, улар тош, қамиш ва шох-шаббалар билан тўсилган қўрадан фойдаланиб келишган. Фарғона водийси қирғизларида шу даврдан бошлаб усти ёпиқ бинолардан чорва сақлашда фойдаланиш кенг тарқала бошлади.

Тарихий манбаларнинг хабар беришича, Фарғона водийсидаги қирғизлар XVII-XVIII асрлардаёқ деҳқончилик билан шуғулланабошлаган [4]. Бу нарса ўша даврлардаёқ қирғизлар маҳаллий ўзбеклардан деҳқончилик сирларини ўзлаштира бошлагани, улар ўртасида иқтисодий-хўжалик муносабатлари жадал кечганидан далолат беради. В.П.Наливкин маълумотларига кўра, XVIII асрда

Фарғона водийси қирғизлари катта ариқлари қазиганлар [4.25].

Фарғона водийси Россия империяси томонидан босиб олинганидан сўнг содир бўлган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар қирғизларнинг ўтроқлашув жараёнини янада тезлаштирди, натижада XIX асрнинг 90-йилларига келиб бу ерда ўтроқ қирғизларнинг қишлоқлари пайдо бўлди.

Ер-солиқ ислоҳоти материаллари маълумотига кўра, XX аср биринчи ўн йиллиги охирида ҳозирги Қирғизистоннинг жанубий қисмида деҳқончилик билан шуғулланувчилар устунлик қилган. Қирғизлар кўчманчилик ва чорвачилик билан шуғулланишни тарк этмай, деҳқончилик билан ҳам фаол шуғулланган. Қирғизларда деҳқончилик бир меъёрда бўлмаган. Аммо экин майдонлари йилдан-йилга кенгайиб борган [5.285]. Фарғона водийси қирғизлари бу ерда даромад манбаи ҳисобланган пахта, шунингдек, буғдой, шоли, арпа, сули, тариқ, жўхори, беда, сабзавот ва полиз экинлари экишни ўтроқ ўзбеклардан ўзлаштириш билан бирга боғдорчилик ва ипакчиликни ҳам ўрганганлар. Мазкур маълумотлар бу ердаги деҳқончилик товар йўналишида бўлганлигини тасдиқлайди.

Қўқон хонлиги Россия империяси томонидан босиб олинганидан сўнг ўлкада ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар кузатилди. Масалан, шунга қадар савдо айирбошлаш савдоси бўлган бўлса, эндиликда у айирбошлаш, тасодифийдан ярмарка – мавсумийга, сўнгра эса доимийга айланади. Хўжаликнинг маълум бир турига савдонинг у ёки бу шакли мувофиқ келади: кўчманчига – айирбошлаш, ярим кўчманчига – ярмарка, ўтроққа – кўчмас (доимий). Аммо булар «соф кўринишда» мавжуд эмас эди. Хўжаликнинг ҳар бир турида савдонинг учта шакли ҳам учраб, биттаси ошкора устунлик қиларди.

Туркистонда маҳаллий савдо ва ҳунармандчиликни жонлантиришга ёрдам берадиган чора-тадбирлар аста-секин амалга оширилди. 1879 йилдан бошлаб ўлканинг шаҳар ва қишлоқ аҳолисига бозор кунларида маҳаллий ҳунармандчилик буюмларини кўтариб юриб сотишга рухсат берилди. Фарғона вилоятида закот тизими мавжуд эди (закот – савдогарнинг савдо тушумидан олинадиган маълум миқдордаги савдо йиғими), аммо у 1885 йилда бекор қилинди ва бу ерда ҳам империяда амалда бўлган қоидалар жорий этилди.

Товар-пул муносабатларининг жадал ривожланиши, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва қирғиз овулларида аҳолининг ўтроқлашуви таъсирида айирбошланадиган савдо борган сари ўз аҳамиятини йўқотиб борди. Рус маъмуриятининг сиёсати оқибатида савдонинг замонавий шакллари – ярмарка ва доимий (кўчмас) савдо ривожланди. XIX асрнинг 80-йилларида Фарғона вилояти шаҳарларида бозорлар ишини тартибга солиш бошланди. Натижада Фарғона водийсида қирғиз овуллари, ўзбек ва тожик қишлоқлари ўртасидаги барқарор савдо алоқалари юзага келди ва ривожланди.

XIX аср охирига келиб, Фарғона водийсида пахта экиладиган майдонларнинг кенгайиши ва саноат билан шуғулланувчи аҳолининг пайдо бўлиши натижасида ўтроқ аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига талаби ортиб боради. Бу ҳолат эса қирғизларнинг ўтроқлашуви тезлашишига ва уларда экин майдонларининг кенгайишига таъсир қилади. Ўш вилоятидан олиб чиқиб кетиладиган асосий маҳсулот турларидан бири ғалла эди. Масалан, 1887 йилда уездда 4,2 млн. пуд ғалла ўриб олинди. Унинг маълум қисми қўшни уездларга олиб чиқиб кетилган [5.293].

Қирғизлар хўжалигининг катта қисмини уй ҳунармандчилиги турлари эгаллаган бўлиб, у чорва маҳсулотларини қайта ишлашга асосланган билан ажралиб турган. Эркаклар томонидан баҳор ва кузда қўй жунлари қирқиб олиниб, жунни аёллар ёғочдан тайёрланган ийик ёрдамида йигириб, калава тайёрлашган. Содда кўринишдаги тўқувчилик дастгоҳида шу калавадан тўн, иштон, қоп, сумка (халта), шунингдек, ўтовни тиклашда ишлатиладиган тасма учун мато тўқилган. Ўзининг тузилиши жиҳатидан ушбу йигирув қуроли қадимда кўчманчилик қилган қўшни Ўрта Осиё халқлариникидан сезиларли фарқ қилмаган [2.190-194]. Бундан шу нарса кўриниб турибдики, қирғизлардаги ушбу ишлаб чиқариш қуроллари ўша вақтда ўтроқ яшовчи ўзбек ва тожиклардан ўзлаштирилган бўлиши мумкин.

Қирғизлар иқтисодий жиҳатдан Фарғонанинг ўтроқ аҳолисига қарам бўлганлар. Чорвадор қирғизлар билан ўтроқ ўзбек, тожик деҳқонлари ўртасида озиқ-овқат айирбошлаш жараёни узоқ даврлардан бошланган. Улар ўртасида чорва маҳсулотларини деҳқончилик маҳсулотларига аввалда бошма-бош (натура) тарзида айирбошлаш мавжуд бўлган бўлса, кейинчалик, яъни Қўқон хонлиги даврида муомалада бўлган пул бирликларига ҳам савдо қилинган. Қишда Олой қирғизлари, шунингдек, бошқа баланд тоғлардаги қирғизлар қишлаш учун чорвасини водийга ҳайдаб тушганлар ва бутун қиш давомида улар билан маҳаллий ўтроқ аҳоли, хусусан, ўзбек деҳқонлари ўртасида иқтисодий жараёнлар жадал кечган. Қўқон хонлиги Россия империяси томонидан босиб олинганидан сўнг қирғизларнинг водийнинг бошқа халқлари билан, айниқса, маҳаллий ўзбек ва тожиклар билан яқинлашуви (консолидация) жараёни тезлашди.

XIX аср охири – XX аср бошларида қирғизларнинг Фарғона водийси ўтроқ аҳолиси билан яқинлашув жараёни тезлашади. Бу жараёнга биринчи навбатда қирғизларнинг ўтроқлашуви таъсир

кўрсатади. Чорвадор қирғизларнинг ўтроқ ҳаётга ўтиши осон бўлмаган, бу, биринчи навбатда, Россия империясининг жойларда юритган мустамлакачилик сиёсати оқибатида содир бўлган. Тоғолди ҳудудларидаги унумдор ерларга рус мужикларининг кўчириб келиб ўрнаштирилиши натижасида яйловлар қисқариши қирғизларни ўтроқлашувга мажбур қилган. Масалан, Ўш уездида ҳар йили тахминан 480 ярим кўчманчи ўтроқлашган, бутун уезд бўйича 1880-1892 йиллар давомида 2791 киши ўтроқлашган. 1902 йилги Фарғона области йиллик маълумотномасида «сарт»лардан сўнг сон жиҳатидан қорақирғизлар (қирғизлар) туради, бутун область бўйича 300000 киши, улардан 200000га яқини Фарғона водийсида ўтроқлашиб, деҳқончилик билан, қолганлари эса чорвачилик билан шуғулланиб, атрофни ўраб турган тоғларда кўчиб юрганлар. Натижада XX аср бошларида Фарғона областидаги қирғизларнинг 75 фоизи зироатчилик билан шуғулланган [6.76-77].

Қирғизларнинг ўтроқлашуви хўжалик машғулот турларини ўзгартирибгина қолмай, балки ўтроқ ўзбеклар билан яқинлаштирди ҳам. Бунинг натижасида қирғизларнинг психологиясида ҳам ўзгаришлар содир бўла бошлайди. Ўтган даврда ярим ўтроқ қирғизга экин учун яроқли ер ҳеч қандай қимматга эга бўлмаган бўлса, XIX аср охири – XX аср бошларида ўтроқлашаётган қирғиз учун экин экиладиган ер асосий бойлик ҳисобланган.

Ўтроқлашган қирғизлар ўтроқ ўзбеклардан деҳқончилик сирларини ўрганиш билан бирга ишлаб чиқариш қуролларини ҳам ўзлаштирганлар. Маҳаллий халқ қадимдан ер ҳайдаш учун қўллаб келган меҳнат қуроли омоч бўлган. Омоч тайёрлаш билан асосан аравасоз уста ёки дурадгор, гоҳо деҳқон ўзи шуғулланган. Аравасоз усталар нисбатан кам бўлишидан ташқари, уларнинг устахоналари шаҳарларда ва катта қишлоқлардагина мавжуд бўлган, холос [7.108].

Омочга, одатда, қўш ҳўкиз қўшиб, баъзан эса от қўшган ҳолда ер ҳайдалган. Тоғли ҳудудларда текисликларда ишлатиладиган омочга нисбатан енгилидан фойдаланилган. XIX аср охири – XX аср бошларидан омоч тишига металл кийдирила бошланган. Бу унумдорликни оширишга ёрдам берган. Омоч тишлари уч қанотли ёки уч қиррали бўлган [7.113]. Металл тишларни алоҳида касб эгалари – дегрезлар метални эритиб, ундан қуйиб тайёрлаганлар.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, ўтроқлашган қирғизлар маҳаллий ўтроқ аҳоли ҳисобланган ўзбек ва тожиклардан меҳнат қуролларини сотиб олиш билан бирга уларни тайёрлашни ҳам ўргана бошлаганлар. Лекин мураккаб асбобларнинг ясалиши, жумладан, металл қуйиш билан боғлиқ ишлар ўтроқ ўзбек ва тожик ҳунармандлари томонидан амалга оширилган. Бундан маълум бўладики, водийдаги қирғиз ва ўзбеклар ўртасидаги хўжаликлараро муносабатларда савдо-сотиқнинг ўрни ҳам сезиларли даражада бўлган. Чунки ўтроқлашаётган қирғизлар деҳқончилик меҳнат қуролларини бевосита ўтроқ аҳолидан сотиб олган ёки чорва маҳсулотларига айирбошлаган.

Ерга ишлов беришда ишлатиладиган меҳнат қуролларидан энг кенг тарқалгани ва оммабопи кетмон бўлиб, ўтроқ аҳоли ундан қадимдан фойдаланиб келган. Кетмон деҳқончилик экинлари учун ерни юмшатишда, пушталар олишда, текислашда, сув келтириш учун ариқлар қазишда ва бошқа ишларда қўлланадиган ягона меҳнат қуроли ҳисобланади. Шунингдек, сунъий суғоришга асосланган ҳудудларда экинларга сувни тарашда сувчилар фақат кетмондан фойдаланганлар [7.116]. Бундан кўриниб турибдики, кўчманчи қирғизлар ва бошқа халқлар ўтроқлашар экан, биринчи навбатда кетмонни маҳаллий халқлардан қабул қилиб олганлар. Қисқа қилиб айтганда, биз ўрганаётган даврда ҳар бир хўжаликда камида биттадан кетмон бўлган.

Канал ва ариқ қазишда чўкичдан фойдаланилган, Ўш қирғизлари бу асбобни каркан ёки ҳаркан [7.118] деб атаганлар ва ундан фойдаланганлар.

Қадимда Ўрта Осиёда ягона ўрувчи асбоб ўроқ бўлган. Фарғона водийсида ўроқнинг икки-уч хили мавжуд бўлиб, кўпроқ ойнусха ўроқдан фойдаланилган. Ғалла экинларининг донини тўплашда ёғоч куракдан, ҳашак йиғиштиришда айри ва бешликдан фойдаланилган. Бешлик тут дарахти шохларини ўткир учли қилиб кесиб, махсус дастгоҳда эгиб, сўнгра ёғочга териб, сопдастага маҳкамлаган ҳолда тайёрланган.

Юқорида таърифланган барча меҳнат қуроллари водийда яшовчи халқлар учун умумий бўлиб, фарқлар улардан фойдаланиладиган ҳудуднинг табиий-географик шароити ҳамда этник бирликнинг иқтисодий ва маданий анъаналари билан боғлиқ ҳолда кўриниши ва номланишида намоён бўлади.

Адабиётлар

1. Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар (XIX-XX аср бошлари).-Тошкент: 2005.
2. Народы мира. 2-том. Народы Средней Азии и Казахстана.- М., 1963.

3. Бернштам А.Н. Источники по истории киргизов XVIII в. // Вопросы истории.-Москва: 1946.- №11-12.
4. Наливкин В.П. Краткая история Кокандского ханства.- Казан: 1886.-С.25.
5. Қирғизистон тарихи (қадимги даврдан XIX аср охиригача).- Бишкек: 1997
6. Губаева С.С. Население Ферганской долине в конце XIX-начале XX в.-Т.,Фан.1991
7. Хозяйственно – культурные традиции народов Средней Азии и Казахистана. (Отв.ред Т.Жданко и К.Шаниязов).- М., Наука. 1975

2014 йил 6 октябрда қабул қилинган
(Тақризчи: т.ф.д. У.Абдуллаев)